

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 4 сентябрь, № 171 (6101) Пайшанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

**Пумипон Адулядет Рама IX** — Таиланд Қироли

**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний** — Қатар Давлати Амири

**Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний** — Қатар Давлати Бош вазири, Ички ишлар вазири

**Тейн Сейн** — Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти

**Алассан Уаттара** — Кот д'Ивуар Республикаси Президенти

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

ЭЪТИРОФ

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами муносабати билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган зафарлари, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб:

## «Соғлом бола йили» Давлат дастури — жуда муҳим қадам»

— Энг аввало, оналар ўлимини қисқартириш ва гендер тенглигини таъминлаш билан боғлиқ миллий мақсадларга эришилгани, шунингдек, болалар ўлимини қисқартириш ҳамда бошланғич ва ўрта таълим сифатини яхшилаш борасида қўлга киритилган салмоқли тараққиёт билан Ўзбекистон ҳукуматини табриклашни истайман, — деди у. — Иммунизация дастурининг кенгайиб бораётгани ана шундай муваффақиятнинг яна бир далолатидир.

Ўзбекистон ҳукумати турли ёшдаги гуруҳларнинг, айниқса, аёллар ҳамда болаларнинг саломатлиги борасида аниқ-равшан эҳтиёж ва устуворликларни ҳисобга олган. Бу сўнгги йилларда соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғини даражасида она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш бўйича хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайишини таъминлади.

Биз 2014 йил Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинганига замонавий ва муҳим қадам сифатида қараймиз. Чунки у оналар ва болалар ўлимини камайтиришга йўналтирилганлиги билан Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига ҳамоҳангдир.

Мен, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси томонидан ишлаб чиқилган, инсон саломатлиги ва бўлажак насллар камолотига салбий таъсир этаётган тиббий-ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдини олишни кўзда тутувчи "Саломатлик — 2020" сиёсати доирасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича мажмуавий миллий стратегия ишлаб чиқилишига Ўзбекистоннинг содиқлигидан хурсандман. Бу Ўзбекистонда соғлиқни сақлашдаги биринчи миллий стратегия бўлади ва биз ушбу муҳим аҳамиятга эга воқеани сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

Мамлакатингиз сифатли, ҳаммабоп тиббий хизмат ҳамда дори-дармонлардан фойдаланиш, инфекцияли ва инфекциясиз касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш сингари соғлиқни сақлаш хизматларининг ялпи қамровини таъминлашга интилмоқда. Узоқ муддатли барқарор ривожланишни ҳамда глобал ва минтақавий молиявий инқирозларга бардошлиликни таъминлаш бўйича салмоқли тараққиётга эришилди. Зўравонликнинг, инсон иммунитети танқислиги вируси ва силнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори муттасил ўсиб бормоқда.

Мустақилликка эришилган кундан буён соғлиқни сақлаш жабҳасига назар ташланса, мамлакат ўзининг соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини ошириш, тиббий хизматларнинг адолатли тақсимланиши ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширганини кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

*Наманган деганда, кўз ўнгимизда ям-яшил водий, гулу гулзорларга бурканган хиёбонлар, саховатга тўла боғу роғлар, меҳнаткаш ва танти одамлар гавдаланади. Кейинги йилларда бу заминда юз бераётган беқиёс ўзгариш ҳамда янгиланишлар ана шу таърифу тавсифларга янада жозиба, янада жўшқинлик бағишламоқда. Хусусан, вилоятнинг кун сайин мустаҳкамланиб бораётган иқтисодиёти, шаҳар ва қишлоқларнинг обод, кўркам қиёфаси, аҳолининг фаровон турмуши — истиқлолимиз бахш этган бахту саодат ифодасидир. Бу айни пайтда ҳудудда ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар, юқори кўрсаткичларда яққол намоён бўлаётир.*



Наманган вилояти:

## Иқтисодий салоҳият ва кенг имкониятлар

### Илғор технологиялар шарофати

— Қаранг, бир пайтлар мамлакатимизга қурилишда ишлатиладиган оддий мих ҳам четдан олиб келинган экан, — дейди Наманган шаҳридаги "Наманган электр қурилмалари" корхонаси директори Ҳамидхон Тўхтабоев. — Чунки фақат хом ашё тайёрлашдан нарига ўтмаганмиз-да. Тўғрироғи, бунга рухсат этилмаган. Ўзимизнинг Наманганни олайлик. Ўшанда шаҳримизда бармоқ билан санарли саноат корхонаси бўлса, улар ҳам, асосан, пахтани қайта ишлаш билан шуғулланган, фойдасини эса олис-олислардаги тўқимачилик ва тикувчилик фабрикалари кўрган. Мана, орадан 23 йил ўтиб, вилоятимиз Ўзбекистоннинг индустриал марказларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни санаб адоғига етолмайсиз. Барчаси — замонавий ва сифатли. Энг муҳими, маҳаллий ишбилармонларимиз саъй-ҳаракати билан ички бозоримиз тўкинлиги таъминланаяпти. Биз ҳам шулар сафида эканлигимиздан фахрланамиз. Ҳозир корхонамизда энергетика соҳаси учун металл таянчлар ҳамда автомобиллар бутловчи қисмларини тайёрлаяпмиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини вилоят саноатига электроника, машинасозлик, трикотаж, металлга ишлов бериш, қурилиш ашёлари, дори-дармон ва тиббиёт ускуналари тайёрлаш сингари янги тармоқлар кириб келаётганида ҳам кўриш мумкин.

— Яқинда ўғлимга электровелосипед олиб бердим, — дейди норинлик Раҳимжон Абдуллаев. — Бу ихчам улов ўзимизнинг туманимизда — "Norin mechanical plant" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган.

(Давоми 2-бетда).







**Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?!**

## Улуғ аждодларга муносиб бўламиз!

*Мамлакатимиздаги барча ўқув муассасаларида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик дарслари" бўлиб ўтди. Уларда истиқлолнинг ўтган 23 йилида эришилган улкан ютуқлар, халқимизнинг кўп асрлик орзуси — мустақиллик, миллий ғурурнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.*

Навқирон авлод билан бўлиб ўтган интерфаол мулоқотларда ўзбек халқининг бой маданияти ва илмий мероси, уларнинг замонавий цивилизация ривожидаги ролига алоҳида аҳамият қаратилди. Мазкур мавзуни батафсил очиб бериш мақсадида барча босқичдаги таълим даргоҳларига олий ўқув юртларининг 15 мингга яқин етакчи профессор-ўқитувчилари, олимлар, ёзувчи-шоирлар ва академиклар таклиф этилди. Уларнинг орасида жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро илмий конференция иштирокчилари ҳам бор эди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг мазкур анжумандаги нутқи 18 минг ададда чоп этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасаларига етказиб берилди. Маъруза асосида педагоглар, ўқувчи-талабалар учун тегишли ўқув дастури ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилди. "Мустақиллик дарслари"да улардан кенг фойдаланилди. Бу эса жорий ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари битирувчилари, коллеж ва лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган махсус факультатив дарсларга асос бўлиб хизмат қилади.

Мухбирларимиз ҳамюртларимизнинг "Мустақиллик дарслари"дан олган таассуротлари билан қизиқди.

**Ҳамроқул БЎРИЕВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти педагогика ва жисмоний маданият кафедраси мудири:**

— Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз тарихий илдизлари билан фахрланишни, ғурурланишни истайди. Биз эса ана шундай табаррук заминда яшаяпмиз. Буюк аждодларимиз номи асрлар оша барҳаёт. Улар қолдирган улкан маънавий хазинадан бутун инсоният баҳраманд бўлаяпти. Истиқлол бизга ана шундай бахтни инъом этди. Бинобарин, ёшларимиз кимлигимиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворислари эканлигимизни чуқур англаб, камолга етсагина, улар бугунимиз ва келажагимизнинг ҳақиқий маънодаги ишончи ва таянчига айланишлари шубҳасиз.

Институтимизда бўлиб ўтган "Мустақиллик дарслари"да ёшларимиз аждодларимиз ибрати ва бой мероси ҳақидаги мисолларни кўзлари ёниб, қалби лиммо-лим ҳаяжонга тўлиб эшитишди. Ҳатто талабаларимиздан бири "Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбеклар орзу қилган гўзал бир жамиятда яшаяпмиз. Мана, бугун уларнинг куч-қудрати, салоҳияти, истеъдоди озод ва обод Ватанимиз ёшлари қалбида жўш уриб турибди. Ишончим комилки, бизнинг авлод ҳам улуғ ишларга қўл уражак. Чунки илм-фан, маърифат, маданият юксак даражада қадрланган замонда яшаяпмиз. Барча имкониятлар эшиги очиқ. Энди навбат — бизники!" деганида жуда тўлқинланиб кетдим.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳали-ҳануз дунё аҳлини ҳайратга солиб келади. Шу боис математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиёт ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг боқий меросини ўрганиш ва чуқур тадқиқ этишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир.

**Мадина КАРИМОВА, Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:**

— "Мустақиллик дарси"да истиқлол йилларида эришилган ютуқлардан янада кенгроқ бохабар бўлдик. Хусусан, "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро илмий конференциянинг оламшумул аҳамияти, мазмун-моҳияти, она-диёримизда яшаб ўтган аждодларимизнинг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар бизда катта таассурот қолдирди. Шунда нафақат менинг, балки барча дўстларимнинг нигоҳлари ғурурдан порлаб кетди. Ва курсдошларимиз билан биргаликда мен ҳам ўзимга ўзим "Уларга, албатта, муносиб авлод бўламан", дея сўз бердик. Чунки бугун ана шу буюк зотларнинг йўлини давом эттириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўқиб, олим бўламан, десангиз, барча имкониятлар мавжуд. Замонавий билим даргоҳлари дейсизми, дарсликлар, ўқув қўлланмалари дейсизми, компьютерлар, мультимедиа қурилмалари дейсизми, ҳамма-ҳаммаси ким учун? Биз — Истиқлол фарзандлари учун! Шундай экан, албатта, ўз олдимизга қўйган юксак марраларни забт этиб, эзгу мақсадларга эришамиз.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб:

# «Соғлом бола йили» Давлат дастури — жуда муҳим қадам»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон 1992 йил 25 май куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига расман аъзо бўлган ва 1993 йилдан эътиборан минтақавий бюромиз билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти соғлиқни сақлашни ривожлантириш борасидаги мақсадларга эришишда, жумладан, “2000 йилда “Саломатлик ҳамма учун”, “2015 йилда “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” сингари стратегияларда Ўзбекистонни фаол қўллаб-қувватлаб келади.

Юқорида қайд этилганидек, сўнгги икки ўн йиллик давомида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига тааллуқли кўпгина муҳим ижобий воқеалар бўлиб ўтди. Миллий соғлиқни сақлаш тизимининг умумий самарадорлигини ошириш, аниқ-равшан далиллар асосида сиёсат ва стратегияни ишлаб чиқиш, шу билан бирга, турли даражаларда кўрсатиладиган техникавий ёрдамлар воситасида тиббиётга оид хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда улардан барча бирдек фойдаланишини таъминлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг салоҳиятини мустаҳкамлашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўта муҳим ўрин тутади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти яқин йилларда ҳам юқорида қайд этилган беш йўналишнинг барчаси бўйича Ўзбекистон ва унинг муассасалари билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидадир.

Байрам муносабати билан ўзбек халқини чин қалбимдан табриклашни ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасининг мустаҳкамланиши ва аҳоли фаровонлигининг юксалиши йўлида ўзимнинг энг эзгу ниятларимни билдиришни истайман. Биз, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидагилар ана шундай интилишлар йўлида мамлакатни яқин ойлар ва йиллар давомида қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ва келажакда бундан ҳам кенг қамровли ҳамкорликка умид қиламиз.

**«Жаҳон» АА.**
Женева

# Мустақиллик ўзлигимизни англаш бахтини берди

*Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлган жамиятимизда юксак маънавиятни қарор топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани эътиборга сазовор. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодгина “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда, яъни ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишимизда ҳал қилувчи куч, бизнинг ишончимиз ва таянчимиздир.*

ИФТИХОР

Шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Айтиш жоизки, биз бундай имкониятга истиқлол шарофати билан эришдик. Бинобарин, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат аввало халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир.

Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлашнинг ўзиёқ кишига ўзгача завқ бағишлайди. Хусусан, ёш авлод тарбиясига қаратилган интилишлар ва буларнинг натижалари тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Хусусан, 1997 йилда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ушбу муҳим йўналишлар аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилган эди. Бугунги кунда таълим муассасаларимизда маънавий-ахлоқий ва маърифий ишлар бой миллий маданий-тарихий анъаналаримиз, халқимизнинг ранг-баранг урф-одатлари, умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда олиб борилмоқдаки, бу фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етишларида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Умуман, истиқлолнинг ўтган 23 йилини ўзига хос Ренессансга қиёслаш мумкин. Бинобарин, шу давр ичида миллий маънавиятимиз булоғи қайта кўз очди, халқимиз ўзлигига қайтди. Жумладан, юртимиз сиёсатчилари, олимлари, маърифатчилари томонидан собиқ шўро даврида унутилишга маҳкум этилган тарихимизнинг бой мероси тикланди. Давлат раҳбарининг оқилона сиёсати самараси ўлароқ, Хива, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимиздаги меъморий мажмуалар, муқаддас қадамжолар, азиз авлиёлар зиёратгоҳлари асл ҳолига келтирилди, уларнинг атрофлари ободонлаштирилди. Бугунги кунда ушбу мўътабар ва муаззам масканлар нафақат ўзбекистонликлар, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига оҳанрабодек жалб этаётир. Бинобарин, чет эллик меҳмонларнинг юртимиздаги тарихий обидаларга, айниқса, истиқлол йилларида уларни асл ҳолига қайтариш борасида амалга оширилган ишларга берган юксак баҳолари шу маънода бежиз эмас. Жорий йил октябрь ойида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгашининг 99-сессиясига мезбонлик қилиш учун Самарқанд шаҳрининг бир овоздан маъқулланиши ҳам маънавий меросимизнинг яна бир бор халқаро миқёсдаги ўзига хос эътирофи бўлди.

Мустақилликнинг 23 йилида она-Ватанимизнинг бетакрор гўзаллиги ва бойлигини ўз асарларида тараннум этган, жаҳон цивилизациясига маърифий-маънавий йўналишдаги асарлари, кашфиётлари, ихтиролари билан улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз улуғлангани, қадамжолари обод этилгани кишига ғурур бағишлайди. Ўз навбатида, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон каби кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз юбилейлари халқаро миқёсда тантана қилинди. “Авесто”, “Алпомиш”, Маъмун Академияси билан боғлиқ улуғ саналар муносиб нишонланди.

Буларга муштарак тарзда ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олган Хивадаги Ичанқалъа, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабздаги тарихий дурдоналар, кўплаб бошқа объектлар реставрация қилинди, кўркам қиёфа касб этди. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган Наврўз, Катта ашула, Шашмақом, Бойсун маданий мероси ўрганилаётгани, теран таҳлил ва тадқиқ этилаётгани меросимиз ҳамда қадриятларимиздан ёш авлодни баҳраманд этишга бўлган саъй-ҳаракатларимиздан далолатдир.

Шу йил май ойида Самарқандда сайёрамизнинг энг нуфузли олимлари иштирокида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция ҳам “Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?” деган саволга муносиб жавоб бўлди.

Албатта, 2001 йилда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди. Айни чоғда 2010 йилда амалиётга киритилган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш, уларни тарғиб этиш ва фойдаланиш бўйича 2010 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси ҳам мамлакатимизда мазкур соҳадаги ишларни янада ривожлантиришда салмоқли ўрин тутаяпти. Шу билан бир қаторда, ёшларни юксак маънавият руҳида камол топтириш, уларда миллий анъаналарга ҳурмат туйғусини янада кучайтириш мақсадида “Устоз — шогирд” анъаналари ривожлантирилаётгани ҳам айни муддаодир.

Мухтасар айтганда, тарихий меросни тиклаш ва ёшларни уларга ҳурмат руҳида камол топтириш йўлидаги бундай эзгу ҳамда хайрли ишлар амалга оширилаётган мамлакат дунёда камдан-кам топилади. Буларнинг барчаси юксак натижалар мезони бўлишига шубҳа йўқ.

**Абдуғофур МАМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси.**

# Эъзоз, эътибор, эҳтиром

*Вобкент туманидаги “Имом Қозихон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида олти минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Карим Назаров — ана шуларнинг бири. Отахон айни дамда 101 ёшда.*

ШУКРОНА

— Карим отанинг оиласи ҳудудимиздаги энг ибратли хонадонлардан биридир, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Салоҳиддин Азимов. — Бу оилада тўрт ўғил, беш қиз вояга етди. Барчасиували-жували. Бири тадбиркор, бири ҳосилот, яна бири ўқитувчи. Невараю эваралари ҳам эл-юрт хизматида. Отахоннинг ўзи бир умр чорвачилик соҳасида меҳнат қилди. Қоракўлчилик равнақига ҳисса қўшди. Ҳалол меҳнат ортидан қут-барака топган бу хонадонни биз ёшларга доимо намуна қилиб кўрсатамиз.

Қишлоқ оқсоқолининг айтганича бор. Элим деб яшаган инсоннинг дастурхонидан барака аримайди. У халқ эъзозида, эътиборида бўлади. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида Карим ота Назаров Президентимиз Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Шу муносабат билан юз ёшдан ошган меҳнат фахрийси истиқомат қилаётган хонадонга вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов ташриф буюриб, унга давлатимизнинг юксак мукофотини тантанали тарзда топширди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қишлоқдошлар қатнашган тадбирда табаррук ёшдаги отахон ва унинг хонадони шаънига илиқ сўзлар айтилиб, байрам совғаси улашилди.

— Президентимизнинг бу юксак эътиборидан бошим кўкка етди, — дейди отахон. — Мен ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари қатағон даври, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллар очарчилиги, қаҳатчилиги шоҳидиман. Яқин-яқингача пасқам, томсувоқли уйларда яшардик. Ёғин-сочинли кунларда йўлларимиздан ўтгани юрак бетламасди. Енгил автомашинали бўлиш ширин бир орзу эди...

Шукрки, мана шундай тинч ва фаровон кунларни кўриш менга ҳам насиб этди. Болаларим, бу кунларнинг қадрига етинглар. Тинчлик-осойишталик — бебаҳо неъмат. Шундан фаровонлик, шундан ободлик. Буни доимо ёдда тутинг.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ФЕСТИВАЛЬ

*Келажагимиз ворисларининг камолоти йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ёшларнинг маънавий дунёқараши, билим ва тафаккурини бойитиш мақсадида барпо қилинган замонавий ўқув даргоҳлари, илму ҳунар марказлари бугун улар иқтидорини кенг намоён этишга хизмат қилаяпти.*

# «Ватан тараққиёти — биз ёшлар қўлида»

Пировардида истеъдодли ўғил-қизлар илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида баланд марраларни забт этиб, юртнинг эртанги тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир инсон бўлиб вояга етмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган “Ватан тараққиёти — биз ёшлар қўлида” номли ёшлар фестивалида фарзандлар иқтидорини юксалтиришга бўлган улкан эътибор ўз тасдиғини топиш билан бир қаторда, чинакам шукроналик шодиёнасига айланиб кетди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур фестивалдан кўзланган мақсад баркамол авлод таълим-тарбияси, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга атрофлича тушунтиришдир.

“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган ушбу фестивалда беш мингга яқин фаол ёшлар, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндорлари, халқаро олимпиада ва спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келаётган ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати лойиҳаларида ғолибликни қўлга киритганлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигини таъкидлашди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида навқирон авлоднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Шундан сўнг саҳнадаги катта мониторда “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати” мавзуида видеоролик намойиш этилди. Дарҳақиқат, мазкур видеороликда мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатининг тизимли равишда ташкил қилинаётганлиги ёшларга билдирилаётган ишонч ва эътиборнинг юксак намунаси сифатида кўрсатиб берилган.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан “Камолот” сардорларининг 23 туҳфаси” лойиҳаси амалга оширилди, — дейди “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Элбек Шукуров. — Мазкур лойиҳа доирасида турли танловлар, “Камолот кунлари”, “Мустақиллик — менинг тақдиримда”, “Ўзбек миллий кино санъати кунлари”, “Мустақилликнинг 23 иншооти” каби тадбирлар ўтказилди. Уларга 24 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилгани эътиборга молик. Бундай тадбирларда тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу ким бўлдик?” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаётганлигимиз тинчлик ва шукроналикнинг белгиси бўлиб хизмат қилмоқда.




Байрамона безатилган мажмуада жорий йилда дунё миқёсида улкан ютуқларга эришган Ўзбекистон ёшлари ўз тенгдошлари билан учрашиб, барча ёшларни мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан самимий қутлади.

Фестиваль доирасида санъат, спорт усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури намойиш этилди. Ўйлаймизки, мазкур тадбир барча ёшларни Ватанни янада севишга, шу юрт тараққиёти учун фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Наманган вилояти:

# Иқтисодий салоҳият ва кенг имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бошқаришга қулай, атроф-муҳитга зарари йўқ, энг муҳими, двигателни ҳаракатга келтириш учун ҳеч қандай ёнилғи талаб қилинмайди. Велосипедга ўрнатилган аккумулятор батареясини бир марта қувватлантириб, 40-50 километр йўл босиш мумкин. Ваҳолонки, электр энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган бундай техника воситалари саноқлигина давлатларда ишлаб чиқарилади. Шунинг ўзиёқ қисқа муддатда эришган ютуқларимиз салмоғи нақадар юксаклигидан далолат беради.

Албатта, Наманган саноатидаги бу сингари янгиликлар ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, мавжуд корхоналарни модернизациялашга йўналтирилган мақсадли дастурлар натижасидир. Жумладан, велосипедлар тайёрлашга ихтисослаштирилган юқоридаги корхонада дастлаб маҳсулот хориждан келтириладиган бутловчи қисмлардан йиғиларди. Амалга оширилган маҳаллийлаштириш тадбирлари туфайли ҳозирги кунга келиб, 70 фоиздан ортиқ эҳтиёт қисмлар шу жойнинг ўзида тайёрланаяпти.

Вилоят марказидаги “Махсус металл саноат” масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам шундай янгиланишлар туфайли тобора кенгайиб бораётир. Автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу корхонада модернизациялаш тадбирлари шарофати билан технологик жараёнлар янада такомиллашиб, жамоа сафига яна 100 киши қўшилди. Ўз навбатида, буюртмачилар сафи кенгайди.

Умуман, бугунги кунда вилоятда 3095 та саноат корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида улар томонидан 643,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13,6 фоиз ўсишга эришилди. Тармоқнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 43,2 фоизга етди.

### Жаҳон бозорига йўл

Экспорт салоҳияти — корхона қудрати, унинг маҳсулотлари рақобатбардошлилиги нишонаси. Шу жиҳатдан олганда, ишлаб чиқариш субъектларининг ташқи иқтисодий муносабатлардаги иштироки кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Боиси бугунги кунда Наманганда тайёрланаётган маҳсулотларнинг катта қисми жаҳон бозорида муносиб ўрин топган. Улар қаторида кийим-кечаклардан тортиб, бодом мойигача бор.



— Кўчаларимизни тўлдириб юрган ўзимизнинг машиналаримизни кўриб, фахрланиб кетаман, — дейди Наманган туманида яшовчи Мўминжон Сулаймонов. — Камхарж, баракали. Зарур эҳтиёт қисмларини исталган вақтда, исталган жойдан топишингиз мумкин. Айниқса, кейинги йилларда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайиши билан бу борадаги имкониятлар янада кенгайди. Эътиборлиси, эндиликда уларнинг бир қисми экспортга ҳам чиқарилаётир. Эшитишимча, яқинда вилоят марказида фаолият кўрсатаётган корхоналардан бири автомобиль фаралари учун чет элдан каттагина буюртма олибди.

Мўминжон ака тилга олган “Avtoplast tarp” хорижий корхонаси, ҳақиқатан ҳам, ўз маҳсулотларини ташқи бозорга жўната бошлади. Енгил автомобиллар учун ёритиш ускуналари ҳамда пластик бутловчи қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур ишлаб чиқариш субъектининг буюртмалар портфелида қозоғистонлик ҳамкорлар билан 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома ўрин олган.

Вилоят экспорт салоҳиятини юксалтиришга ўзига хос ҳисса қўшаётган ушбу корхоналар сафида енгил саноат, хусусан, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар салмоғи юқори.

*Айниқса, ички бозордан муносиб ўрин олган Наманганнинг бежирим костюм-шимлари айни пайтда хорижда ҳам харидоргир. Замонавий урф ва моделдаги бундай либослар, асосан, “Люкс плюс сервис”, “Ифтихор кийим саноат”, “Истиқлол дизайн текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари чеварлари томонидан тайёрланяпти. Тўрақўрғондаги “Дилрабо СДА” кўп тармоқли фирмаси, Поп туманидаги “Лазиз импекс текс” масъулияти чекланган жамиятининг трикотаж буюмлари чет эллик харидорларнинг дидига мос тушаётгани билан аҳамиятлидир. Наманган туманида ташкил этилган “Нафис текс гроуп” масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз фаолиятини маҳсулот экспортини йўлга қўйишдан бошлади.*

Кўриниб турибдики, наманганлик саноатчиларнинг ташқи иқтисодий муносабатлардаги иштироки мунтазам кенгайиб бораётир. Масалан, 2000 йилда вилоятдан ташқи бозорга 75,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот чиқарилган бўлса, ўтган йил якунига келиб, мазкур кўрсаткич 102,5 миллион АҚШ долларига етди. Муҳими, экспорт таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиши натижасида ташқи савдода хом ашё улуши камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми ортди. Чунончи, 1995 йили жами экспортнинг 92,7 фоизини пахта толаси, кимё материаллари сингари хом ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, 2013 йил охирига келиб, ушбу кўрсаткич 44 фоизга тушди. Айни пайтда вилоятдаги экспортчи корхоналар 43 турдаги товар ва буюмларни қўшни республикалардан ташқари, Австрия, Бразилия, Дания, Кувайт, Иордания, Янги Зеландия, Никарагуа, Малайзия сингари жами 65 мамлакатга етказиб беришмоқда.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

### Дунё ҳавас қилган уйлар

Халқимизда “Тор бўлса ҳам, ўз уйинг бўлсин” деган ажойиб нақл бор. Бироқ ҳар қарич ер ғўза пайкалига айланган пахта яккаҳокимлиги даврида бу кўплаб юртдошларимиз учун ушалмас орзуга айлангани, шу боис 4-5 та оила бир хонадонда қисиниб-қимтиниб истиқомат қилганини юртдошларимиз яхши эслашади. Ушбу муаммо Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ўз ечимини топди. Аҳолига ер участкалари ажратилиб, одамлар шинам ҳовли-жойлар барпо қилишга киришдилар. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб ном олган 2009 йилда “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади” деган эзгу ғоя замирида ишлаб чиқилган давлат дастурининг ижроси эса бунёдкорлик жабҳасида янги босқични бошлаб берди. Жумладан, Наманган вилоятида 2009 — 2013 йиллар давомида 2402 та намунавий лойиҳадаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги барпо этилган даҳалар мисоли кичик бир шаҳарча. Уларни қуриш жараёнида бир йўла замонавий инфратузилма иншоотлари ҳам тикланди. Бошланғич мактаб, қишлоқ врачлик пункти, маиший хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари, нонвойхоналар, ҳаммом, дорихона, болалар спорт майдончаларидан иборат бу иншоотлар аҳоли турмушига алоҳида файз киритди. Бинобарин, қишлоқ массивларида 120 километр ичимлик суви, 92 километр табиий газ, 65 километр электр тармоқлари, 68 километр узунликда ички йўллар барпо қилинди. Яна бир эътиборли жиҳати, янги даҳаларни бунёд этишда, энг аввало, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий иқлим шароити, рельефи алоҳида ҳисобга олинди.

— Ўтган йили пойтахтимизда “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуида ўтказилган халқаро анжуманни телевизор орқали кўрсатишди, — дейди Тўрақўрғон туманининг Янги Ахсикент даҳасида истиқомат қилаётган Дилфуза Асқарова. — Юртимиздаги бунёдкорлик, хусусан, биз истиқомат қилаётган уйларга хорижий давлатлардан келган кишиларнинг ҳам ҳаваси келиб турганини кўриб, жуда тўлқинланиб кетдим. Тўғри-да, илгарилари шаҳарликларга ҳавас қилардик. Мана, энди ўзимиз шаҳардагидан қолишмайдиган шароитга эга хонадонда умргузаронлик қилаяпмиз. Уйимиз жуда мукаммал қурилган, пардози ҳам шунга яраша. Кенг ва ёруғ хоналарнинг қулайлигидан кўнгил тўлади. Энг муҳими, ошхонаю қозонхонада табиий газ гуруллайди. Жўмракни бурашингиз билан зилол сув оқади. Ахир яқиндагина ҳам қишлоқ аёлининг бирдан-бир орзуси худди шу эмасмиди?

Бугун вилоятда қуриб битказилган минглаб янги уйларда аҳоли бахтли ҳаёт кечираяпти. Қишлоқ аҳлининг тақдири ва келажагини ўйлаб ишлаб чиқилган дастур эса изчил бажарилмоқда. Жумладан, жорий йилда вилоят бўйича яна 777 та замонавий уй қурилиб, йигирма олтита даҳада янги иморатлар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бу, ҳадемай, вилоятда яна мингга яқин янги бахт ошёни барпо этилиб, юзлаб оилаларнинг ширин орзулари ушалади, деганидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

*Мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлодни юксак салоҳиятли, соғлом фикр ва замонавий дунёқараш эгалари қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилиниб, мазкур жараёнда ёшлар наинки замон талаблари асосида пухта билим олмоқда, балки ўз қизиқиш ва лаёқатига кўра касб-ҳунар эгаллаб, мустақил ҳаётга дадил қадам қўймоқда.*

# Касбий малака, пухта билим

## битирувчи қизларнинг иш билан таъминланишида муҳим омил бўлмоқда



Таъкидлаш лозимки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган йигит-қизларни тегишли мутахассислик бўйича иш билан таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида мазкур саъй-ҳаракатлар янада жадал суръат ва кенг қамров касб этмоқда.

2013/2014 ўқув йилида республикамиздаги 1 минг 34 касб-ҳунар коллежини 495 минг 229 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 243 минг 520 нафарини қизлар ташкил этади. Айнан битирувчи қизларнинг таҳсилдан сўнг аниқ иш жойи ва муқим даромад манбаига эга бўлишида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ҳам яқиндан кўмаклашаяпти. Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган тадбир айни шу масалага бағишланди.

Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жорий йилда коллежларни битирган қизларни иш билан таъминлаш бўйича жойларда 1 минг 700 га яқин штаблар ташкил этилди. Ҳозирги кунда коллежни битирган қизларнинг 139 минг 488 нафари корхона ва ташкилотларда ишга жойлашиб, меҳнат фаолиятини бошлаганлар. Битирувчи қизларнинг бир қисми ўқишни давом эттириш истагида юртимиздаги олий ўқув юртларига ҳужжат топширган бўлса, яна бир қисмини ишга жойлаштириш юзасидан жамоатчилик штабларининг ишчи гуруҳ аъзолари муайян чоралар кўраётир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган қизлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилинаётгани ҳам улар ўртасида бандлик даражасини оширишда салмоқли ўрин тутмоқда.

— Қўмитамизнинг қуйи тизимлари олиб борган ўрганишлар бу йилги коллеж битирувчилари орасида 7 минг нафардан зиёд қизлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида эканини кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раис ўринбосари Гулнора Маруфова. — Бу қизларга кўмаклашиш мақсадида республикамиздаги тижорат банклари томонидан 45 миллиард сўм миқдорида кредит берилиши ташкиллаштирилди ва мазкур жараён давом этаяпти. Бундан ташқари, “Тадбиркор аёл” уюшмаси билан ҳамкорликда вилоятлар бўйича 500 нафар битирувчи қизлар ишбилармонлик кўникмаларини ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Коллеждаги таҳсилдан сўнг қизларни ўқув марказларига йўналтириш, ушбу марказларда имтиёзли тарзда ҳунар ўрганиши ёки чет тилларини пухта ўзлаштиришини рағбатлантириш ҳам доимий назоратимизда турибди.

— Коллежда ўқиб юрган чоғимда ўзимнинг тикув цехим бўлишини ният қилардим, — дейди Янгийўл туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битирган Шоҳида Фархудинова. — Бизнес лойиҳамни амалга оширишимда банк ажратган 5 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит катта мадад бўлди. Учта замонавий тикув машинасини сотиб олиб, буюртма асосида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этдим. Ўзимга тенгдош икки чевар қиз билан меҳнат шартномаси туздим.

Мухтасар айтганда, касб-ҳунар коллежларини битирган қизларнинг бандлик даражасини оширишда эътирофга лойиқ натижалар қўлга киритилмоқда. Шу билан бирга, коллеж битирувчиси, таълим муассасаси ва иш берувчи ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчи қизларни янада қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этаётир.

Тадбирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди ва унинг доирасида Тошкент шаҳрида яшовчи 400 нафарга яқин битирувчи қизларга пойтахт ўқув марказларида имтиёзли сабоқ олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

**Ф. МАҲКАМОВА.**

# Фойдали хусусиятларга бой ўсимлик

*Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Инновацион технологияларни жорий қилиш марказининг “Амарант” лойиҳаси шу кунларда ўзининг дастлабки натижасини беради.*

ИЗЛАНИШ

— Амарант шифобахш ўсимлик номи бўлиб, унинг асл ватани Жанубий Америка ҳисобланади, — дейди марказ директори, физика-математика фанлари номзоди Мўйдинжон Мўминов. — Маҳаллий ҳиндулар мазкур гиёҳнинг фойдали хусусиятларини 8 минг йил илгари билганлар. Биз уни обдан тадқиқ этганимиздан сўнг, иқлимимизга мослаштиришга қарор қилдик. Натижада ўсимлик мойига бой бўлган амарантнинг дони, пояси ва ҳатто баргидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги аён бўлди. У доривор, тетиклаштирувчи ва озуқа хусусиятларига ҳам эга. Минерал ўғит ва кимёвий қўшимчаларсиз униб-ўсади. Суғориш учун маккажўхорига нисбатан беш баробар кам сув талаб этилади. Томир тизими тупроқ таркибини яхшилаш хусусиятига эга.

Айни пайтда Избоскан туманидаги “Оллоберди асали” фермер хўжалигига ажратилган 1 гектарли тажриба майдонида ушбу ўсимлик парвариш қилинаяпти. Шу кунгача ўсимлик пояси 2,5 метргача бўй чўзди. Ҳозирдан Германиянинг “AEN Engineering GmbH & Co” компанияси ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаб, яқин истиқболда етиштириладиган ҳосилни тўлиқ сотиб олишга қизиқиш билдирди.

Дарҳақиқат, гектаридан 70 центнергача ҳосил берадиган мазкур ўсимлик донининг бир килограмми жаҳон бозорида 50 долларгача сотилмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 23 АВГУСТДАН 29 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ядро физикаси корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 6 августдаги 108-сонли буйруғи.*

**2014 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2612 (2014 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

2. «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 25 августдаги 01-02/19-20-сонли қарори.*

**2014 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-8 (2014 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

3. «Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2014 йил 21 августдаги 2014 — 24-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1855-1 (2014 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

4. «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2014 йил 27 августдаги 7-сонли буйруғи.*

**2014 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2613 (2014 йил 2 сентябрдан кучга кирди).**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 3 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2188,62 | 1 Россия рубли | 63,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3899,82 | 1 Украина гривнаси | 179,34 |
| 1 Дания кронаси | 414,20 | 1 Малайзия ринггити | 742,96 |
| 1 БАА дирҳами | 640,32 | 1 Польша злотийси | 734,06 |
| 1 АҚШ доллари | 2351,84 | 1 СДР | 3570,99 |
| 1 Миср фунти | 328,93 | 1 Туркия лираси | 1088,21 |
| 1 Исландия кронаси | 20,06 | 1 Швейцария франки | 2556,07 |
| 1 Канада доллари | 2159,04 | 1 евро | 3112,24 |
| 1 Хитой юани | 382,77 | 10 Жанубий Корея вони | 23,16 |
| | | 10 Япония иенаси | 224,37 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

**2014 йилда умумтаълим мактабларини замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва спорт анжомлари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа чолғу асбоблари, инвентарлар ва мебеллар билан жиҳозлаш бўйича тендер комиссиясининг қарорига мувофиқ, қуйидаги корхона ва ташкилотлар ғолиб, деб топилганлигини эълон қилади.**

| Т/р | Лот рақами ва номи | Ғолиб бўлган корхона ва ташкилотлар номи |
|---|---|---|
| | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун металл асбоб-ускуналар | |
| 1. | 70-лот - I ҳудуд (Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри), II ҳудуд (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) | «Metal engineering group» масъулияти чекланган жамияти |
| 2. | 71-лот - III ҳудуд (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари), IV ҳудуд (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), V ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) | «Master Mebel And Design» масъулияти чекланган жамияти |

1335А/709

## Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 220100, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй.
Телефонлар: (8-362) 223-06-33, 223-06-11, 223-06-26. Факс: (8-362) 223-06-33.
E-mail: info.horezm@minzdrav.uz

**Танлов комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 220100, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй.
Телефонлар: (8-362) 223-06-33, 223-06-11, 223-06-26. Факс: (8-371) 223-06-33.
E-mail: horezm_ozo_2011@mail.ru

**Банк реквизитлари.**
Молия вазирлиги ғазначилиги, ғазна ҳисоб рақами: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97500, МФО: 00014, Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲККМ, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, ш/ҳ/р: 100021860334017072130054001, махсус ҳ/р: 400121860334017950100054002, СТИР: 201989194.

***Тендер (танлов) предмети.***

***Қуйидагилар бўйича товарларни етказиб бериш:***
— шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхат бўйича);
— реактивлар;
— тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг энг юқори нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

***Етказиб бериш шартлари.***

Барча етказиб берувчилар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотларни етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 10 000 000 сўмгачани ташкил этади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 4 октябрь куни соат 12.00 (маҳаллий вақт билан)гача.

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

1371R/719

ЭЪЛОНЛАР

## «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан стратегик инвесторларга таклиф.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

**«Samarqand Pure Aqua» МЧЖ** — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98.**
**Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz**

1077R/98

## «REAL AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 февралдаги 1087/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани, «Қибрай нон» ИЧШК омборхонасида сақланаётган вафли ва макарон ишлаб чиқариш ускуналари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 253 272 106,53 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 12 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган ускуналар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real auksion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

*Гувоҳнома № 006795.*

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

1314А/1090

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Навоий вилояти суд департаменти томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 29 январдаги 1-4/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Навоий шаҳар санитар ҳимоялаш ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 41 515,75 кв.м., умумий майдони 6 464,11 кв.м., фойдаланиш майдони 6 593,12 кв.м. бўлган А, Б, В, В1, Г, Д, Е, Е1, Ж, З, И, К-литерлардаги Навоий нотўқима материаллар фабрикаси биноси.

***Бошланғич баҳоси — 3 674 336 657 сўм.***

**2.** Навоий шаҳри, Тинчлик қўрғони ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 27396,45 кв.м., умумий майдони 207,79 кв.м., қурилиш майдони 2473,08 кв.м. бўлган А-литердаги иссиқлик ажратиш ва кимё маҳсулотлари сақлаш базаси биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 587 737 658 сўм.***

**II.** Навбаҳор тумани СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2014 йил 7 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 20-уй, 38-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 38,50 кв.м., тураржой майдони 23,70 кв.м. бўлган 3 хонали хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 31 875 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 10 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 8 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1369А/1453

## «Universal auktsion invest» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 7 октябрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 26-уйда жойлашган «UzGazOil» МЧЖга қарашли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Нексия» русумли, давлат рақами 01 064 GBA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 21 000 000 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситаси 2014 йил 7 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 14, 21 октябрь ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 10.00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун телефон: (8-371) 236-74-67. Факс: (8-371) 236-26-65.**

Гувоҳнома № 004059.

1376R/165

# Навқирон спортчиларимиз элу юрт ардоғида



*Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида муваффақиятли қатнашган ёш спортчиларимизни шарафлашга бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтмоқда.*

ФАХР

Хусусан, пойтахтимизда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган ана шундай маросимда бир гуруҳ ёш спортчилар, уларнинг ота-оналари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ ҳам жисмонан, ҳам маънан етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланган. Шунга мувофиқ, ўғил-қизларимизнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар сифатида камол топиши учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг самараси эса ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ареналарида эришаётган муваффақиятларида ўз ифодасини топаётир.

Нанкин Олимпиадасида 28 нафар ёш спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

— Биз, ёш спортчилар, бугун нимага эришаётган бўлсак, барчаси Президентимизнинг меҳри ва эътибори туфайлидир, — дейди мусобақа совриндори Темур Қодиров. — Бундан кейин ҳам юксак ғамхўрликка муносиб бўлиб, нуфузли мусобақаларда давлатимиз байроғини баланд кўтаришга бор куч ва маҳоратимизни ишга соламиз.

Тадбирда II ўсмирлар Олимпиадасида қатнашган пойтахтлик ёш спортчилар ва уларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Истиқлол йилларида Фарғона вилоятида ҳам ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш борасида кенг кўламлиислоҳотлар амалга оширилаяпти. Натижада вилоятлик спортчилар халқаро майдонларда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган атлетлар орасида Фарғона вилояти вакилларидан Бектемир Меликўзиев олтин медални, Козимбек Мардонов эса ўз вазн тоифасида тўртинчи ўринни қўлга киритгани бунга мисол бўла олади.

Қўқон шаҳрида ана шу спортчиларни тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёш олимпиадачиларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда ёш спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

— Ўғлимни қўқонликлар ўз жигарбандидек бағрига босаяпти, алқаяпти, ёшларимиз бошини силаган Юртбошимизни дуо қилаяпти, — дейди Бектемирнинг отаси Рўзматжон Меликўзиев. — Мустақиллик туфайли биз етолмаган орзуларга фарзандларимиз эришаётганидан чексиз фахр-ифтихор туймоқдамиз.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

* * *

II Олимпиада ўйинларининг дзюдо беллашувларида олтин ва бронза медални қўлга киритган Суҳроб Турсунов ўзининг юксак истеъдоди ва шижоати билан барчани ҳайратда қолдирди.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда ана шу музаффар спортчи шарафланди. Маросимда сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини фахр ва ифтихор билан эътироф этишди. Хусусан, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида бир юз йигирмага яқин замонавий болалар спорти иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун уларда 43 мингга яқин ўғил-қиз спортнинг 31 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Ана шу ёшлар орасидан халқаро майдонларда юрт номини улуғлашга қодир истеъдод соҳиблари етишиб чиқаётгани янада қувонарлидир.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Э. Жўраев сўзга чиқди.

* * *

Нанкин Олимпиадасида юнон-рум кураши бўйича олтин медални қўлга киритган Илҳом Баҳромов — Самарқанд вилоятида туғилиб ўсган умидли ёш спортчиларимиздан бири. Дастлаб Оқдарё туманидаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида машғулотларда чиниқиб, маҳоратини оширган Илҳом полвонни вилоят аҳли Самарқанд темир йўл вокзалида зўр шодиёналар билан кутиб олдилар.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда ташкил этилган спортчини шарафлаш тадбирида эса Илҳом Баҳромовнинг оила аъзолари, мураббийлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

— Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли фарзандларимиз ўз иқтидорларини намойиш этиб келишмоқда, — дейди Илҳомнинг онаси Мунира Турсунова. — Ёшлар камолотига катта эътибор қаратилаётган юртда яшаётганимиз ҳам аслида бизнинг бахтимиз.

Тадбирда Олимпиада чемпионига вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Спортчини шарафлаш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев қатнашди.

* * *

Ўзбекистонлик навқирон спортчиларнинг Нанкин Олимпиадасида эришган муваффақиятида бухоролик боксчи Сулаймон Латиповнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ушбу нуфузли мусобақада 49 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Сулаймон кумуш медалга сазовор бўлди.

Бухорода унинг бу ютуғини шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда Бухоро бокс мактабидан кўплаб кучли чарм қўлқоп усталари етишиб чиқмоқда. Мазкур спорт тури бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Лондон Олимпиадаси совриндори Аббос Атоев, Лондон Олимпиадаси қатнашчиси Фазлиддин Ғойибназаров шулар жумласидандир. Энди улар сафига ёш истеъдод эгаси Сулаймон Латипов ҳам қўшилди. У жорий йил Болгариянинг София шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритган эди. Нанкин Олимпиадасида у ана шу натижани яна бир бор такрорлади.

Тадбирда Сулаймон Латиповга қимматбаҳо совғалар топширилди. Спортчини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган мураббийлар ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов сўзга чиқди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

*Ғолиб спортчиларни шарафлаш маросимлари Андижон, Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятларида ҳам ўтказилди.*

# Ватанга содиқлик қасамёди

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида биринчи курс тингловчиларининг Ватанга содиқлик қасамёдини қабул қилишга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди. Жумладан, истиқлол даврида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, жамоатчилик хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини муҳофаза қилиш бўйича юқори самарали тизим яратилган бўлиб, у тобора такомиллаштириб борилмоқда. Мазкур Академияда курсантлар ва тингловчиларнинг чуқур билим олиши ҳамда касбий кўникмага эга бўлиши учун барча зарур шарт-шароит яратилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Академияда тўрт йиллик ўқиш муддатидаги кундузги таълимда ички ишлар идоралари учун терговчи, жиноятларнинг олдини олиш ва эксперт-криминалистика йўналишлари бўйича офицерлар, бир йиллик ўқув муддатидаги Олий академик курсларда раҳбар кадрлар ҳамда Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида эса сержантлар тайёрлашнинг энг самарали тизими йўлга қўйилган.

— Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир, — дейди 1-курс тингловчиси Шерали Мусаев. — Қасамёд қабул қилар эканман, энг аввало, шулар ҳақида ўйладим. Албатта, бу ерда биз учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ички ишлар идоралари, умуман, жамиятимиз учун фойдали кадр бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қиламан.

— Фарзандларимизнинг қасамёд қабул қилиши энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами кунига тўғри келишида ҳам ўзига хос маъно бор, — дейди Дилфуза Абдураҳимова. — Уларнинг ёниб турган кўзларига боқиб, тинчлик ва осойишталигимиз, юртимиз эртаси ишончли қўлларда эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Бундай тантанали тадбирлар Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам бўлиб ўтди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



*Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида музейлар ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

# Музейларга саёҳат

## ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади

Тадбирда маданият ва санъат намояндалари, қатор ташкилотлар раҳбарлари, ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари қатнашди.

Унда сўзга чиққанлар музейлар халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва шуурида инсонийлик фазилатларини қарор топтиришга, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ҳамда маданий меросга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда алоҳида эътибор билан қаралаётган муҳим масалалар сирасига киради. "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам бу борадаги вазифалар бўйича аниқ ва қатъий тавсиялар берилган. Дастурнинг айнан шу мақсадларни ифода этувчи бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ушбу қарорга мувофиқ, республикамиздаги барча музейларда ҳафтанинг ҳар сешанба ҳамда жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналари учун кириш бепуллиги йўлга қўйилди.

Музейлар ҳафталиги мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари нишонланаётган кунларда ташкил этилгани бежиз эмас, албатта. Истиқлол йилларида улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган меросни авлодларга етказиш баробарида, юртимизда музейлар фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўтган 23 йил мобайнида юртимиздаги мавжуд музейларни янада ривожлантириш билан бирга ўндан ортиқ янги музейлар ташкил қилинди.

Музейлар ҳафталиги доирасида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Хусусан, республикамиздаги 41 музейда жами 184 та маданий-маърифий тадбир, маҳорат дарслари, танловлар, концерт дастурлари ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, турли мавзулардаги кўргазмалар, экспозициялар ҳам иштирокчиларни беэътибор қолдирмаслиги шубҳасиз.

Шу билан бирга, ҳафта давомида 30 музейда иш вақти узайтирилиб, аҳолининг иш вақтидан кейин музейларга келиши учун кенг имконият яратилади.

Ҳафталик 8 сентябрга қадар давом этади.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**


Эълон

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** | (8-595) 144-84-04, 170-84-04, |
| Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) |
| Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** | |
| Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) |
| Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (8-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** | |
| Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** | |
| Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (8-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** | |
| Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** | (8-595) 400-03-79, 400-03-84 |
| Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (8-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) |
| | (8-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** | (8-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) |
| Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) |
| Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) |
| Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** | (8-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) |
| Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** | (8-595) 510-96-99, 510-10-09 |
| Гулистон ш., Мирзаобод тумани | (8-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) |
| | (8-367) 235-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** | (8-595) 510-10-17 |
| Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | |
| **Иккинчи линия техник цехи,** | (8-595) 510-10-04 |
| Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Учинчи линия техник цехи,** | (8-595) 510-10-27 |
| Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Кабель участкаси,** | (8-595) 510-10-41 |
| Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-64-27 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** | (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-68-05, (соат 8.00 — 17.00) |
| | (8-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** | (8-595) 600-12-02, (8-598) 274-23-27 |
| Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** | (8-365) 223-38-37 (соат 8.00 — 17.00) |
| Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** | (8-595) 601-14-96, 601-11-85 |
| Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| | (8-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** | |
| Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** | |
| Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** | |
| Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** | (8-595) 601-05-28, |
| Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, | 601-14-97 |
| Тулей стан-си | |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** | (8-595) 501-11-02, (8-376) 588-88-20 |
| Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, |
| | 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** | (8-376) 224-07-65, (8-595) 501-11-07 |
| Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (8-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** | (8-595) 505-05-12, 505-02-62 |
| Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** | (8-375) 221-17-25, |
| Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (8-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** | (8-375) 505-05-13, 505-05-41 |
| Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (8-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** | (8-595) 602-22-09, 602-22-18 |
| Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, (8-595) 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** | (8-595) 603-07-38, (8-598) 278-07-01 |
| Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** | |
| Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-593) 309-13-46 |
| **Биринчи кабель участкаси,** | |
| Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** | |
| Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-595) 603-12-84 |

481R/95



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 141 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5